РЕСПУБЛИКА КИТОБСЕВАРЛАР КЎНГИЛЛИ ЖАМИЯТИ
ПРАВЛЕНИЕСИ

РЕСПУБЛИКАНСКОЕ ПРАВЛЕНИЕ
ДОБРОВОЛЬНОГО ОБЩЕСТВА КНИГОЛЮБОВ

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ДАВЛАТ АДАБИЁТ МУЗЕЙИ
ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МУЗЕЙ ЛИТЕРАТУРЫ им. АЛИШЕРА НАВОИ



# АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ

1894 - 1940

# АБДУЛЛА КАДЫРИ

www.ziyouz.com kutubxonasi



Абдулла Қодирий оиласида китобхонлик. Автор Н. Қўзибоев.
Чтения в семье Абдуллы Кадыри. Автор Н. Кузибаев.

... Мен Маркс ва Лениннинг ҳароратли шогирдиман, чунки мен Лениндан руҳ олиб, Марксдан илҳомландим.

**Абдулла Қодирий.**

Ўзбек совет адабиётининг асосчиларидан бири, машҳур сатирик ва улкан романнавис Абдулла Қодирий 1894 йили Тошкент шаҳрида туғилди. Дастлаб эски мактабда, сўнг 1910 йилда рус-тузем мактабида ўқиди. 1915—1917 йилларда мадрасада таълим олди.

... Я страстный ученик Маркса и Ленина, они мои духовные наставники и вдохновители.

**Абдулла Кадыри.**

Один из основоположников узбекской советской литературы, классик многонациональной советской литературы Абдулла Кадыри родился в 1894 г. в городе Ташкенте. Учился сначала в старой узбекской, затем в русской туземной школах (1910) и в медресе (1915—1917).

www.ziyouz.com kutubxonasi






Абдулла Қодирийнинг ижоди Октябрь революциясидан аввал бошланди. 1915 йилда унинг биринчи асари «Бахтсиз куёв» пьесаси, 1916 йилда «Жувонбоз», «Жинлар базми» ва бошқа ҳикоялари босилиб чикди.

Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин, 1918—1919 йилларда Абдулла Қодирий совет ташкилотларида, сўнгра вактли матбуотда хизмат қилди. У 1924 йилда Москвага бориб, В. Брюсов номидаги СССР Давлат журналистика институтида ўқиди. 1925—1926 йилларда «Муштум» журнали редакциясида адабий ходим бўлиб ишлади. Унинг «Тошпўлат тажанг нима дейди?» ва «Қалвак Махсумнинг хотира дафтаридан» туркумидаги сатирик

Литературная деятельность Абдуллы Кадыри началась до революции. В 1915 г. была опубликована его первая пьеса — «Несчастный жених», в 1916 г. — рассказы «Развратники», «Пир чертей» и другие.

После Великой Октябрьской социалистической революции в 1918—1919 г.г. Абдулла Кадыри работал в советских организациях, позже в периодической печати. В 1924 г. Абдулла Кадыри учился в Государственном институте журналистов им. В. Брюсова в Москве. В 1925—1926 гг. он работал литературным сотрудником редакции журнала «Муштум». Сатирические произведения писателя из цикла «О чем говорит злой Тошпулат», «Из записной книжки

www.ziyouz.com kutubxonasi




Абдулла Қодирий асарларининг турли йиллардаги нашрлари.
Издания произведений Абдуллы Қадыри разных лет.

ҳикояларида эскилик қолдиқлари аёвсиз фош этилди. Бу асарлар ўзбек совет адабиётида янги социалистик реализм сатирасининг майдонга келишида муҳим роль ўйнади.

Абдулла Қодирий ўзбек совет романчилигини бошлаб берган моҳир сўз устасидир. У 1919 йилдан бошлаб «Ўтган кунлар» романи учун материал йиғишга киришди. 1922 йилда роман «Инқилоб» тўпламида чоп этилди, 1926 йилда алоҳида китоб ҳолида нашр этилди. Орадан уч йил ўтгач ёзувчининг иккинчи тарихий романи «Меҳробдан чаён» эълон қилинди.

«Ўтган кунлар»нинг бош қаҳрамони Отабек илм-маърифатни юксак баҳолайди, қолоқ хонлик-феодал тузумини қоралайди. Асарда Туркистондаги феодал бош-бошдоқлик, Тош-

Қалвака Махсума», созданные на основе традиций национального фольклора и письменной литературы, путем беспощадного разоблачения пережитков старого утверждают советскую действительность и торжество социалистической идеологии. Эти произведения сыграли большую роль в формировании в узбекской советской литературе новой сатиры социалистического реализма.

Абдулла Қадыри — искусный мастер слова, зачинатель узбекского советского романа. В 1919 г. он приступил к сбору материалов для романа «Минувшие дни», который был издан в 1922 г. в альманахе «Инкилоб», а в 1926 г. вышел отдельным изданием. Через три года

www.ziyouz.com kutubxonasi



«Ўтган кунлар» романининг 1926 йилги нашри, 1 бўлим.
Издание 1926 года романа «Минувшие дни», 1 глава.



«Ўтган кунлар» романининг 1925 йилги нашрининг муқоваси.
Переплет романа «Минувшие дни» 1925 года издания.

кент беклиги билан Қўқон хонлиги ўртасидаги уруш-талашлар Отабек ҳаёти билан боғлиқ ҳолда кўрсатилган. Отабек ва Кумуш ораларидаги севги-муҳаббат можаролари воситасида ўзбек халқининг ўтмишдаги ҳаёти типиклаштирилган.

Абдулла Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» романида кенг меҳнаткаш омма асосий қаҳрамон қилиб олинган. Меҳнаткаш халқнинг хонлик тузумидаги аянчли турмуши, феодал ва руҳонийларга нафрати Анвар, Раъно, Сафар бўзчи, Султонали образлари орқали акс эттирилган. Қўқон хонлигининг сўнгги даври—XIX асрнинг иккинчи ярми тасвирланган бу асарда Худоёрхон ва унинг саройидаги фожиали воқеалар усталик билан гавдалантирилган.

писатель опубликовал второй исторический роман — «Скорпион из алтаря».

Главный герой романа «Минувшие дни» Атабек высоко оценивает просвещение и клеймит отсталый феодально-байский уклад. На всем протяжении романа феодальный анархизм в Узбекистане, междуусобные распри между Ташкентским и Кокандским ханствами показаны в тесной связи с жизнью главного героя книги Атабека. Через любовь между Атабеком и Кумуш показана типичная жизнь узбекского народа той эпохи.

Во втором романе писателя «Скорпион из алтаря» главным героем являются народные массы. Жалкая жизнь трудящихся под гнетом хана, их ненависть к феодалам и духовенству

www.ziyouz.com kutubxonasi



Абдулла Қодирийнинг шахсий буюмларидан намуналар.
Образцы личных вещей Абдуллы Кадыри.

Биринчи беш йилликларнинг энг йирик инқилобий ҳодисаси — қишлоқ хўжалигини социалистик изга кўчириш «Обид кетмон» (1934) қиссасининг мавзуидир. Бу буюк ҳодисани қиссада бадиий образлар орқали тасвир этиш адиб томонидан қўйилган илк қадам саналади. Шунинг учун асар дастлабки замонавий қисса сифатида алоҳида аҳамиятга молик ишлардан биридир.

Рус, араб, форс тилларини мукаммал билган Абдулла Қодирий ўзбек китобхонларини Н. В. Гогольнинг «Уйланиш», А. П. Чеховнинг «Олчазор» пьесаларини ўз она тилларида ўқиш бахтига муяссар этди.

отражены через образы Анвара, Рано, ткача Сафара и Султанали. В этом произведении, освещающем последние годы Кокандского ханства — вторую половину XIX в., рассказано о Худоярхане и трагических событиях, происходивших в его дворце.

Крупнейшее революционное событие первой пятилетки — социалистическое преобразование сельского хозяйства стало темой повести «Абид Кетмень» (1934). Произведение имеет особую значимость как ранняя современная повесть, в которой автор делает первый шаг к изображению через художественные образы этих великих событий.

Абдулла Кадыри, в совершенстве знавший русский, арабский, персидский языки, перевел на узбекский язык «Женитьбу» Н. В. Гоголя, «Вишневый сад» А. П. Чехова.

www.ziyouz.com kutubxonasi



Абдулла Қодирийнинг музейда сақланаётган шахсий буюмларидан намуналар.
Образцы личных вещей Абдуллы Кадыри из музея литературы.

Ўзбек ва қардош халқларнинг адабиёт вакиллари Абдулла Қодирий ижодини ниҳоятда юксак баҳоладилар. Шу ўринда таниқли олим Е. Э. Бертельснинг қуйидаги сўзларини келтириш мақсадга мувофиқдир: «Дунёда бешта: француз, рус, инглиз, немис ва ҳинд романчилиги мавжуд эди. Энди олтинчисини, яъни ўзбек романчилик мактабини Абдулла Қодирий яратиб берди».

Ҳозирги кунларимизда таниқли адиб Абдулла Қодирий асарлари мамлакатимиз ва хорижий халқлар китобхонларининг энг севимли асарларидан ҳисобланиб, халқимиз қалбига ҳамиша яқин бўлиб қолади.

Представители узбекской литературы и литератур братских народов черезвычайно высоко оценили творчество Абдуллы Кадыри. В этом отношении достаточно привести следующие слова известного ученого Е. Э. Бертельса: «В мире существует пять школ романа: французская, русская, английская, немецкая и индийская. Теперь Абдулла Кадыри создал шестую школу романа — узбекскую».

В наши дни произведения Абдуллы Кадыри с интересом читают не только в нашей стране, но и в зарубежных странах.

www.ziyouz.com kutubxonasi



Абдулла Қодирий. Чеканка. Автор О. Азизов.
Абдулла Кадыри. Чеканка. Автор О. Азизов.

ИНСТИТУТ РУКОПИСЕЙ АКАДЕМИИ НАУК
УЗБЕКСКОЙ ССР

*Абдулла Қадыри*

Проспект

Составитель *Б. Валиев*

*Редактор А. Нарзикулова*

Художник *В. Сталинговский*

Худ. редактор *Г. Аксенов*

Техн. редактор *Г. Ломиворотова*

Сдано в набор 8.02.84. Подписано к печати 18.05.84.
Р-00461. Формат 60×100 1/4. Усл. печ. л. 0,78
Уч.-изд. л. 0,93. Тираж 50000. Заказ № 3092. Цена 25 коп.

Ордена Трудового Красного Знамени типография
Издательства ЦК Компартии Узбекистана
г. Ташкент, ул. Правды Востока, 26

© Издательство ЦК Компартии Узбекистана, 1984.

www.ziyouz.com kutubxonasi